



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 18 » август

№ 494

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида кенг камровли шерикликни янада ривожлантириш, илгари олий даражада қабул қилинган келишув ва битимларнинг ўз вақтида ва сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, конструктив сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш имконини берадиган аниқ ва салмоқли натижаларга эришишга қаратилган **Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги келишувларни ўз вақтида амалий ижро этиш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Туркия Республикаси билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш** (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Дастурнинг бажарилишини таҳлил қилиш ҳамда ундаги тадбирлар ва лойиҳаларнинг ижросида амалий ёрдам кўрсатиш;

Дастурга киритилган тадбирлар ва лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳар ойда масъул ижрочилар раҳбарларининг Дастурда уларга юклатилган вазифлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича тўсиқларни бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш ва аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Мувофиқлаштирувчи кенгаш (Умурзоқов) ҳар ойда – ҳар календарь ойининг ўнинчи санасига қадар масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган чораларнинг натижадорлигини кўрсатган ҳолда Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги танқидий таҳлилни Ўзбекистон Республикаси Президентига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида вазирликнинг тасдиқланган умумий штат бирликлари доирасида **Лойиҳа офиси** ташкил этилсин ва унинг асосий вазифаси этиб мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор тармоқларини ислоҳ қилиш, янги йўналишларини белгилаш бўйича стратегияларни ишлаб чиқиш учун жалб қилинадиган турк экспертлари билан тизимли ишлашни ташкил этиш, шунингдек, икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳаларини илгари суриш белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Туркиянинг қуйидаги йўналишлар бўйича илғор тажрибаси ва инновацион ёндашувларини жорий этиш масалалари бўйича инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг маслаҳатчиси сифатида ишлаши учун турк экспертларини жалб қилсин:

жадал саноатлаштириш ва замонавий инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш стратегияси ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришнинг халқаро сифат стандартларини жорий этиш;

“яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва инвестиция муҳитини такомиллаштириш;

махсус иқтисодий зоналарнинг самарали фаолиятини ташкил этиш;

икки мамлакат ўртасидаги саноат кооперацияларини янада ривожлантириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг қуйидаги йўналишлар бўйича Туркия Республикаси Ҳукуматининг техник кўмагини кенгайтириш ва етакчи турк экспертларини жалб қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

соғлиқни сақлаш инфратузилмаси объектларини бошқариш соҳасидаги салоҳиятни ошириш;

сейсмология соҳасидаги институционал ва норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, шунингдек, баланд бинолар, гидротехник иншоотлар, кўприklar ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш ва улардан фойдаланишда сейсмик хавфсизликни таъминлаш масалаларида республикамизнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш;

йўллар ва йўл бўйи инфратузилмасини қуриш ҳамда улардан самарали фойдаланиш соҳасида халқаро стандартларни жорий этишга кўмаклашиш;